

Шоира ИСАЕВА,
ТошДШИ мумтоз филология
бўлим магистранти

**НАВОИЙ МАСНАВИЙЛАРИНИНГ НАСРИЙ
САРЛАВЛАВҲАЛАРИДА САЖЪ
(“Хайрат ул-аброр” мисолида)**

Мумтоз адабиётимизнинг энг йирик намояндаси Алишер Навоий ўзининг сермахсул ижодида мумтоз адабиётнинг турли жанрларида ижод этган. Унинг шеърий асарлари билан бир қаторда насрий асарлари ҳам адабиёт тарихимизнинг нодир асарлари сирасига киради. Навоий ижод этган олий услуб унинг насрий асарларида ҳам намоён бўлади. Навоий маснавий жанрда ёзган дostonларига сарлавҳаларни насрий йўл билан битган. Қуйида биз “Хамса” дostonларидан “Хайрат ул-аброр” дostonининг насрий сарлавҳаларини тадқиқ этамиз.

“Хайрат ул-аброр” дostonи 63 бобни ўз ичига олади. Ҳар бир боб бошланганда бобнинг мазмунини очувчи насрий сарлавҳалар битилган. Фақатгина биринчи яъни, “бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” жумласининг поэтик шарҳи берилган боб насрий сарлавҳасиз берилган:

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
Риштаға чекти неча дурри ятим¹.

Қолган боблар насрий сарлавҳалар билан бошланади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, сарлавҳалар насрда ёзилган бўлсада улар бадий жиҳатдан ҳам, оҳангдорлик жиҳатидан ҳам ниҳоятда юксак маҳорат билан битилган.

Бизга маълумки Навоий ўзининг “Ҳайратул-аброр” дostonини улуғ азарбайжан шоири Низомий Ганжавийнинг “Махзанул-асрор” дostonига

¹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. Мукамал асарлар тўплами. 7- том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 11

жавобан ёзган. Лекин Навоийнинг бу асарини юзага келишида Амир Хусрав Дехлавийнинг “Матлаул-анвор”, каби дostonларининг ҳам ўрни бўлган. Шунинг учун ҳам Навоий ўз асарида салафларини ёд этишни ўзининг бурчи деб билган. Масалан дostonнинг ўн иккинчи бобининг сарлавҳаси:

“Ҳазрати Шайхи Низомий мадҳидаким, назм мулкида зўр бозу сар панжаси била панж ганж нуқуди жавоҳирин олди ва Амири Хисрав таърифидаким, бу жавоҳир ва нуқуд тамаидин панжа анинг панжасига солди².”

Сарлавҳа таъкидлаганимиздек оҳанг жиҳатидан ҳам гўзал ифодаланган. Бунинг сабабларидан бири сарлавҳа сажъда баён қилинган. Шарқ халқлари оғзаки ҳамда ёзма адабиётига хос сажъ санъати фикрни равон ҳамда оҳангдор ифодалайди.

Адабиётшунос Б. Саримсоқов ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди ва ёзма адабиётда сажънинг қуйидаги уч тури мавжуд дейди:

1. Тўлиқ сажъ (Сажъи мутавозий). Бир ёки бир неча гап таркибидаги айрим бўлақлар ҳам вазнда, ҳам ҳарфи равийда мос бўлади.
2. Қофияли сажъ (Сажъи мутарраф). Бир ёки бир неча гап таркибидаги айрим бўлақлар вазнда эмас фақат равийда мос келади.
3. Вазндош сажъ (Сажъи мутавозин). Бир ёки бир неча гапдаги айрим бўлақлар ҳамвазн бўлиб, равийда мос бўлмайди³.

Келтирган сарлавҳамиз эса тўлиқ сажъга мисол бўлади. Чунки мисолдаги *Ҳазрати Шайхи Низомий мадҳидаким ва ва Амири Хисрав таърифидаким; назм мулкида зўр бозу сар панжаси била панж ганж нуқуди жавоҳирин олди ва бу жавоҳир ва нуқуд тамаидин панжа анинг панжасига солди* гаплари бир-бири билан вазнда ва қофияда мос келади.

² Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. Мукаммал асарлар тўплами. 7- том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 48.

³ Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 18-19.

Сажъ санъати матн мазмуни ёрқин ифодалайди , нозик сўз ўйинлари орқали ифоданинг оҳангдорлигини таъминлайди. Кейинги боб номи ҳам сажънинг яна бошқа турларига мисол бўла олади:

Сафо жомининг софи ошоми мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий маддаа зиллахул-олий васфиким, васфга сизмас ва таърификим, таърифга рост келмас ва ул ҳазрат илтифотининг қуёши бу хоксори тийра рўзгор ҳолатига партав солгоннинг изҳори ва ул қуёш тарбиятидин бу туфроққа зоҳир қилган гули насрин, балки гуногун раёҳин осори ва “Тухфатул-аҳрор” тухфаси мутолаасидин назм риштасига тортмоқнинг сабаби⁴

Мазкур бобни Навоий устози Жомийга бағишлайди. Жомийнинг Низомий ва Деҳлавийларга татаббуъ қилиб яратган асари “Ҳафт авранг” деб аталган. “Тухфатул-аҳрор” эса “Махзанул-асрор” , “Матлаул-анвор” асарларига жавобан битилган. Шунинг учун ҳам Навоий мазкур асарни тилга олади. Бобнинг сарлавҳасидан Навоийнинг Жомийга бўлган чексиз эҳтиромларини пайқаш мумкин. Шунинг учун ҳам насрий сарлавҳа бадиийлик жиҳатидан юксак даражада. Сарлавҳа қофиядош сажъга мисол бўлади. Лекин унинг таркибидаги *васфга сизмас ва таърифга рост келмас* каби бўлаклар тўлиқ сажъга мос келади. Шунингдек, сарлавҳанинг охириги бўлаги вазндош сажъга мисолдир. Чунки, охириги гапдаги *сабаби* сўзи *изҳори* ва *осори* сўзларига қофиядош эмас.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, сажъ санъати мумтоз адабиётимиз тарихида ўзининг тараққиёт босқичларидан ўтди. Навоий асарлари эса сажъ санъатининг энг баланд чўққисидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. Мукаммал асарлар тўплами. 7- том. – Тошкент: Фан, 1991;

⁴ Алишер Навоий. Ўша асар. – Б. 51.

2. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев ва С.Иброҳимов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973;
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т., 2006;
4. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978.